



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ  
ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

## **АГРАР СОҲАДАГИ ИLM-ФАН ЯНГИЛИКЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР**

Иқтидорли талаба ва магистрантларнинг  
“2016 йил – Соғлом она ва бола йили”га бағишланган  
илмий конференцияси материаллари тўплами

### **II-қисм**



Самарқанд - 2016

B.V.Abdullayev, T.A.Xayitov. Urug'larni yo'l-yo'l usulida ekadigan qurilma.....	119
Z.G'ofurova, E.Xusanov. C vitamini (antiskorbut vitamini).....	121
R.Sodiqova, E.Xusanov. Qishloq xo'jaligida ishlatiladigan marganesli o'g'itlar.....	123
M.Toliboyeva, E.Xusanov. Biogazning amaliy ahamiyati.....	124
S.V.Uralov, A.S.Mamanazarov. Autocad dasturida uch o'lchamli tasvirlar – 3d tushunchasi va sirtlarni hosil qilish.....	126
L.Axatova, G.Xodjaёrova. Натрий и его рол в организме человека.....	128
Ф.Қодиров, Р.Тўхтаров, А.Хасилбеков. Жунга бирламчи ишлов беришнинг технологик асослари.....	130
М.Хашимова, А.Жаҳонгиров. Теоретическое обоснование высевающего аппарата при посеве семян кукурузы пунктирным методом.....	132
Д.Гуломов, Б.Ибрагимов. Структура и каталитические свойства ацетилацетоната железа (ii) на ионных носителях.....	134
Б.М.Холов, А.Х.Юсупов, Р.Б.Туйғунов. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашни ривожлантиришдаги ислохотлар.....	136
Ж.Пардаев, А.Х.Юсупов, Р.Б.Туйғунов. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича тавсиялар.....	138
Ф.Каримова, Ж.Убайдуллаев. Кимёвий модификацияланган табиий жун толасининг механик хоссалари.....	140
С.А.Жаҳонгиров, З.А.Абдуғаниев. Ғўза қатор орасига ҳамда суғориладиган очик майдонларга ғалла экишда қўлланилаётган техник воситалар таҳлили.....	141
С.В.Уралов, Д.Раҳматуллаев, Ў.Бобоев, Ш.Ш.Мирзаходжаев. Фаол ишчи органи комбинациялашган фронтал плуг асослаш.....	144
<b>АГРОНОМИЯ ШУЪБАСИ .....</b>	<b>147</b>
З.Очилов, С.Ғайбуллаев. Лалмикорликда юмшоқ буғдойнинг қимматли белги ва хусусиятларга эга янги нав намуналари.....	147
Э.Носиров, К.Мўминов. Ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқларда пахта ҳосилини ўғитлаш усулларига боғлиқлиги.....	149
Ф.Махмадиёров, К.Мўминов. Пахтазордаги бегона ўтларга қарши курашиш тадбирларни пахта ҳосилига таъсири.....	151
У.Хамроев, Д.Т.Абдукаримов, У.Ш.Қаршиева. Буғдой нав намуналарини селекция жараёнида қимматли белги хусусиятларини баҳолаш.....	154
А.Пўлатов, К.Мўминов. Ирригация эрозиясига учраган тупроқлар унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигини ошириш омиллари.....	155
А.Махаммадиева, У.Ш.Қаршиева. Селекция учун калта пояли юмшоқ буғдойнинг ётиб қолишга чидамли нав намуналарини танлаш.....	158
С.Худойбердиев, Т.Х.Ходжакулов, У.Қаршиева. Арпа селекциясида касалликларга чидамли нав намуналарини танлаш.....	160
Б.Қўлдошев (СамҚХИ), Л.Халилова (СамДУ). Янги кузги буғдой нави тупланиш динамикаси ва ҳосилнинг шаклланишига экиш муддатларининг таъсири.....	161
Д.Эржигитов, У.Қаршиева. Юмшоқ буғдойнинг маҳаллий навларининг қимматли белги хусусиятларини баҳолаш.....	164
С.Сафаров, Ю.Абдуллаева, И.Т.Эргашев. Маккажўхори дурагайлариининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари.....	165
С.Сафаров, И.Т.Эргашев. Маккажўхори дурагайлариининг тезпишарлигини аниқлаш..	166
Р.Р.Эргашев, А.Л.Санакулов. Донли экинларда микроўғитларни қўллашнинг ўсиш, ривожланиш ва ҳосилдорликка таъсири.....	168
Ш.Худойбердиева, Н.Халилов. Лалмикорликда кузда экилган баҳори буғдойнинг ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири.....	170
Ш.Жабборов, С.Суванова, И.Т.Эргашев. Колорадо кўнгизига чидамлик - муҳим хусусият.....	172

Тажрибамизда 1 та бошоқдаги доннинг вази экиш муддатларининг ўзгариши билан 1,26 дан 1,17 г ўзгарди. Энг юқори 1та бошоқдаги дон вази 16 октябрда экилган ўсимликлардаги махсулдор пояларда кузатилди бўлганда 1,30 г ни, ташкил этди. Эрта 15 сентябрда ёки кеч 1 ноябрда экилганда 1та бошоқдаги дон вази сезиларли даражада камайди.

Шундай қонуният 1 та ўсимликдаги дон массаси бўйича ҳам кузатилди (3-жадвал). Кузги бугдойда 1 та ўсимликдаги дон массаси экиш муддатларини 15 сентябрдан 1 ноябрга қадар кечикиб бориши билан камайиб борди. Энг юқори 1 та ўсимликдаги дон массаси 15 сентябрда, экилган пайкалчаларда кузатилди – 3,70 г. Экин муддатларининг кечикиши билан 1 та бошоқдаги донлар сонининг камайиши кузатилди.

**Хулоса.** Зарафшон водийси шароитида кузги бугдойни тулланиши, новдаларнинг ҳосил бўлиши ва побуд бўлиши динамикаси, 1 та ўсимликда сакланиб қолган махсулдор поялар сони, 1 та бошоқдаги ва ўсимликдаги дон массасига экиш муддатлари сезиларли таъсир кўрсатиши ҳамда энг юқори ҳосил шаклланиши учун мақбул экиш муддати 16 октябр эканлиги аниқланди.

### ЮМШОҚ БУГДОЙНИНГ МАХАЛЛИЙ НАВЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ БЕЛГИ ХУСУСИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Д.Эржигитов – магистратура талабаси,  
У.Қаршинева – илмий раҳбар, доцент

**Аннотация.** Республиканинг суғориладиган ва лалмикор майдонлари учун бугдойнинг қурғоқчилик, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, ётиб қолишга ва қаттиқ соғуққа бардошли, дони сифати, серҳосил навларни яратиш селекциянинг бугунги кундаги асосий вазифасидан бири ҳисобланади.

**Калит сўз:** нав, намуна, хўжалик-биологик белгилари, сунғий танлаш, ғаллачилик, кучли ва қимматли бугдой.

**Мавзунинг долзарблиги.** Маҳаллий нав бирор экинни маълум шароитда узоқ вақт (йиллар) давомида ўстириш жараёнида, табиий танланиш таъсири остида ва сунғий танлашнинг энг содда усулларини қўллаш натижасида яратилган ўсимликлар. Экинларнинг маҳаллий навлари халқ селекциясининг махсулидир. Улар маҳаллий шароитларига ва қўлланадиган парвариларига мослашган бўлиб, мавжуд маҳаллий ноқулай шароитлари кишга, совуққа, қурғоқчиликка, тарқалган касаллик, ҳашаротларга чидамли бўлиб шаклланган.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон шароитида ҳам кўп экинларнинг, бугдой, арпа, жўхори ва бошқаларнинг кўп миқдорда маҳаллий навлари шаклланиб, айримларининг аҳамияти катта бўлиб, ҳозиргача экилиб келинмоқда.

Маҳаллий навларнинг ўсимликлари ташқи кўриниши бўйича ўхшаш бўлишига қарамай хўжалик-биологик белгилари бўйича ҳар хилдир. Улар кўпинча популяциялардан иборат бўлиб, шунинг учун янги селекцион навлар яратишда қимматли бошланғич материал сифатида кенг фойдаланилади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институтининг Ғаллаорол илмий тажриба станциясида маҳаллий юмшоқ бугдой навларининг ўсиши, ривожланиши ва ташқи муҳитнинг турли хил ноқулай шароитларига чидамлилиги ва бошқа қимматли хўжалик белги хусусиятлари, дон сифат кўрсаткичлари ўрганиш.

Дана тажрибаларини ўтказиш, экиш, фенологик кузатишлар, биометрик ўлчовлар, экин парварishi, ҳосилдорлигини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг (1991), Бугунроссия ўсимликшunosлик илмий-тадқиқот институтининг (1984; 1986), кишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини синаш бўйича Давлат нав синаш комиссиясининг (1974), ҳосилдорлик курсаттичлари ишончилиги И.А. Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1985) услублари асосида олиб борилди.

Қурғоқчиликка ва касалликларга чидамли навлар яратиш учун бошланғич материал сифатида маҳаллий навлардан чидамлилик хусусиятини ўтказиш мақсадида фойдаланилади (Лавронов Г.А., 1969).

Қурғоқчилик ўсимлик ривожланишининг барча фазаларида зарарлидир, лекин бугдой нам тақчиллигига генератив органларда чангчиларни шаклланишидан то гуллаш ва чангпаниш фазаларида кўпроқ таъсирчан бўлади (Лавронов Г.А., 1969).

Қатор қимматли хўжалик белги хусусиятларга: ётиб қолишга ва касалликларга чидамлилик, ҳосилдорлик ва бошқа белгиларга эга бўлган маҳаллий навлар селекция учун алоҳида аҳамият касб этади. Қурғоқчил шароитда эртапишар навларнинг ҳосилдорлиги кечпишар навларнинг ҳосилдорлигидан юқори бўлади. Кечпишар навлар иссиққа тўғри келиши натижасида ҳосилдорлик кескин пасайиб кетади (Ходжакулов Т.Х., Халлов А., 1991).

Р.А.Удачин (1968), Швелуха В.С. (1989)ларнинг таъкидлашларича, Ўзбекистон шароитида бугдойнинг бошоқлаш-линиш даврида юқори ҳарорат, ҳавонинг паст нисбий намлиги таъсирида пишиш жараёни тезлашади. Шунинг учун пишиш муддати нави эртапишарлигини аниқлашда объектив кўрсаткич бўла олмайди. Бугдойнинг киши ноқулай шароитларга яъни майсаларни совуқ уришига чидамли бўлишида Ўзбекистон шароитида навларнинг кишга чидамлилиги муҳим аҳамиятга эга (Қурбонов, 1979).

Юмшоқ бугдойнинг Қизил бугдой, Олтин бугдой, Туятиш каби маҳаллий навлари ҳосилдорлиги, қурғоқчилик ва касалликларга чидамлилиги ҳамда доннинг сифати билан машҳурдир.

Маҳаллий навлар икки томонлама аҳамиятга эга.Биринчидан, у ўзининг келиб чиқиши бўйича маҳаллий ноқулай шароитларга чидамлилиги, ноқулай шароитда ҳосилни тўплаш, шакллантириш қобилиятлилиги ва иккинчидан, популяция – ҳар хил хўжалик биологик хусусиятларга эга бўлганлиги – селекция учун қимматли бошланғич материал бўлиб ҳисобланади. Улардан селекцияда, айниқса дурагайлаш йўли билан бошланғич материал яратишда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

### МАККАЖЎХОРИ ДУРАГАЙЛАРИНИНГ МАХСУЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

С.Сафаров – магистратура талабаси, Ю.Абдуллаева – талаба,  
И.Т.Эргашев – илмий раҳбар, профессор

**Аннотация.** Ривожланаётган дунё деҳқончилигида маккажўхорининг серҳосил, эртапишар, сувсизликка, шўрга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли нав ва дурагайларини яратиш мақсадида кўпчилик мамлакат селекционерлари шуғулланишмоқда. Маккажўхори озиқ-овқат, чорва учун ем ва саноат учун хом-ашё сифатида халқ хўжалигида кенг қўлланилади.

Маккажўхори муҳим донли ва ем-ҳашак экин бўлиб жаҳон деҳқончилигида экиладиган майдони бўйича донли экинлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. Илмий – техник юксалиш ва саноатни жадал ривожланиши деярли барча кишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш имкониятини яратади. Ўзбекистонда маккажўхоридан ишлаб чиқариладиган махсулотлар жуда ҳам кам номда бўлиб у асосан силос учун, сўтали кўк масса олиш ва ем ишлаб чиқариш хом-ашёси сифатида дон учун етиштирилади.

Ҳозирги кунда олимлар маккажўхори селекциясида дурагайлар етиштиришда анъанавий услуб линияларо дурагайлар, нав линияли ёки линия нави дурагайлар, навларо дурагайлардан фойдаланмоқда.

Маккажўхори дурагайларининг махсулдорлик кўрсаткичлари тўпдаги сўта сони (дона), сўта вази, сўтадаги қаторлар сони (дона), битта сўтаги дон вази (грамм), сўтадаги ўзак вази, сўтадаги дон чикими (%), 1000 та дон вази (грамм) маккажўхорининг